



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 181 (13.778)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ АҚШНИНГ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 сентябрь куни мамлакатимиздаги дипломатик миссиясини якунлаётган Америка Қўшма Штатларининг Фавқулодда ва мухтор элчиси Памела Спратленни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий кутлар экан, кўп қиррали ва ўзаро манфаатли Ўзбекистон – Америка Қўшма Штатлари алоқаларини изчил ривожлантириш ва мустаҳкамлашга АҚШ элчиси шахсан салмоқли ҳисса қўшганини катта мамнуният билан қайд этди.

Мунтазамлик касб этган олий даражадаги мулоқотлар ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил май ойида Америка Қўшма Штатларига расмий ташрифининг самарали натижалари мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларининг янги даври учун мустаҳкам замин яратди.

Томонларни қизиқтирган барча масалалар бўйича конструктив сиёсий мулоқот йўлга қўйилди. Парламентлараро алмашувлар фаоллашди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик кенгаймоқда. Фан, таълим ва маданият соҳаларида, шунингдек, ҳудудлараро ҳамкорлик ривожланмоқда.

АҚШ элчиси давлатимиз раҳбарига самимий қабул учун чуқур миннатдорлик билдирди. Америка Қўшма Штатлари икки томонлама муносабатларни изчил ривожлантиришга муҳим аҳамият қаратиши ҳамда мамлакатимиз билан кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтиришга интилиши қатъий эканини қайд этди.

Учрашув якунида мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга қўшган катта ҳиссаси учун АҚШнинг Фавқулодда ва мухтор элчиси Памела Спратлен "Дўстлик" ордени билан тақдирланди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАСИ БУЮК МИЛЛАТ МАЖЛИСИ РАИСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 сентябрь куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Туркия Республикаси Буюк миллат мажлиси раиси Бинали Йилдиримни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий кутлар экан, сиёсий ирода ва биргаликдаги сазой-ҳаракатлар туфайли Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги аънавий яқин ва дўстона муносабатлар стратегик шериклик даражасига кўтарилганини таъкидлади.

Ўтган йил кузда Туркияга ва жорий йил баҳорда Ўзбекистонга амалга оширилган давлат ташрифлари давомида бўлиб ўтган олий даражадаги самарали музокаралар, улар якунида имзоланган муҳим ҳужжатлар турли соҳалардаги амалий ҳамкорлиқни кенгайтириш учун мустаҳкам асос яратишга хизмат қилган алоҳида қайд этилди.

Сиёсий мулоқот фаол ривожланмоқда. Туркиянинг етакчи компаниялари ва банклари билан ҳамкорликда савдо, инновациялар, энергетика, инфратузилма, транспорт, туризм, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати ва бошқа тармоқларда инвестиция дастурлари ва лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Жорий йил бошидан буён 230 дан ортиқ Ўзбекистон – Туркия қўшма корхонаси ташкил этилгани Туркия ишбилармонларининг Ўзбекистонда бизнес юритишга қизиқиши ортиб бораётганидан далolat беради. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми шу даврда 40 фоиздан зиёдга ошди.

Маданий-гуманитар, жумладан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм соҳаларидаги алмашувлар кенгаймоқда.

Икки томонлама муносабатларни изчил ривожлантириш ва мустаҳкамлашда парламент-

лараро алоқалар муҳим ўрин тутди. Мамлакатларимиз қонун чиқарувчи органлари ўртасида фаол мулоқот кузатилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Туркия Республикаси Буюк миллат мажлисида дўстлик гуруҳлари муваффақиятли фаолият юритмоқда. Ҳамкорлиқни ривожлантириш бўйича меморандум ва "Йўл харита"си қабул қилинган.

Сухбатда олий даражадаги учрашувлар якунида эришилган келишувлар ва қабул қилинган битимларни амалга ошириш, шунингдек, ҳамкорликка оид қўшма дастур ва лойиҳаларнинг парламентлар вакиллари томонидан фаол қўллаб-қувватланиши муҳимлиги қайд этилди.

Бинали Йилдирим Президентимиз Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун чуқур миннатдорлик билдирди ва Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғоннинг саломи ва эзгу тилаklarини етказди.

Меҳмон Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни юксак баҳолаб, Туркия мамлакатимиз иқтисодиёти ва ижтимоий соҳасини модернизация қилишга қаратилган истиқболли лойиҳаларни амалга оширишга ҳар томонлама қўмаклашишга тайёр эканини таъкидлади.

Конструктив мулоқот давомида томонларнинг аънавий дўстлик муносабатлари ва узоқ муддатли стратегик шериклиги янада мустаҳкамлашга интилиши қатъий экани қайд этилди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН – ТУРКИЯ:

ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ АНИҚ САМАРАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатасида 24 сентябрь куни Туркия Республикаси Буюк миллат мажлиси раиси Бинали Йилдирим бошчилигидаги Туркия парламенти делегацияси билан учрашувлар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Н.Йўлдошев билан учрашувда икки томонлама алоқаларни янада ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилаётгани, хусусан, парламентлараро мулоқотни чуқурлаштиришга ҳамкорлиқнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида эътибор берилётгани таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил октябрь ойида Туркия Республикаси, Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғоннинг жорий йилда мамлакатимизга давлат ташрифи барча йўналишдаги муносабатларни аниқ амалий мазмун билан бойитишга хизмат қилмоқда. Парламентлараро алоқалар жадал суръатлар билан

мустаҳкамланиб бораётгани манфаатли шериклик муносабатларини янада кенгайтириш имконини бермоқда. Жорий йил март ойида Туркия парламентининг "Туркия – Ўзбекистон" парламентлараро дўстлик гуруҳи раиси бошчилигидаги делегациянинг ташрифи фикримиз тасдиғидир.

Туркия парламенти делегациясининг ташрифи доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Туркия Республикаси Буюк миллат мажлиси парламентлараро дўстлик гуруҳининг илк қўшма мажлиси ўтказилган эди. Унда ҳамкорлиқни ривожлантириш бўйича 2018 йилга мўлжалланган "Йўл харитаси" имзоланган бўлиб, ушбу ташриф ҳам маъзур келишув доирасидаги тадбирлардан бирidir.

Мулоқотда томонлар Олий Мажлис Сенати ва Буюк миллат мажлиси шафелигида Ўзбекистон – Туркия ҳудудлари форумларини ташкил этиш тўғрисида фикр алмашди. Парламентлараро ҳамкорлик ҳамда халқаро парламент тузилмалари доирасидаги ўзаро алоқаларни янада чуқурлаштириш юзасидан биргаликда амалга оширилаётган ишларни изчил давом эттириш зарурлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Н.Исмоилов билан суҳбатда Туркия Республикаси билан барча соҳалардаги ҳамкорлик, жумладан, парламентлараро муносабатларнинг ривожлантирилиши Ўзбекистон ташқи сиёсатининг муҳим устувор йўналишларидан бири экани таъкидланди.

Суҳбат чоғида икки мамлакат савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар ҳамкорлигини фаол қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ҳамкорлиқнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди. Бунда қонун чиқарувчи органлар ўртасидаги алоқалар, парламентлараро дўстлик гуруҳларининг имкониятларидан фаол тарзда фойдаланиш зарурлиги таъкидланди.

Меҳмонларга мамлакатимиз парламенти кўйи палатаси фаолияти, парламентаризм соҳасидаги янгиликлар, юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ҳақида сўзлаб берилди.

(Давоми 2-бетда)

ТУМАН САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИДА

Халқ депутатлари Бектемир, Шайхонтоҳур, Яшнобод туман кенгашларига сайлов ўтказувчи туман сайлов комиссияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди.

Унда жорий йилнинг 14 октябрь, якшанба куни Бектемир туманидаги 6-Мироб, 11-Норуда, Шайхонтоҳур туманидаги 9-Сархумдон, Яшнобод туманидаги 16-Ватандош округларида бўшаб қолган ўринларга депутатлар сайловининг ўтказилиши муносабати билан сиёсий партияларнинг халқ депутатлари Тошкент шаҳар туман Кенгашлари сайловида иштирок этиш тўғрисидаги аризалари кўриб чиқилди.

Йиғилишларда туман сайлов комиссиялари томонидан сиёсий партияларнинг халқ депутатлари Тошкент шаҳар туман Кенгашлари сайловида иштирок этиш ҳақидаги аризалари кўриб чиқилиб, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар туман Кенгашларига аризалар кетма-кетлиги асосида халқ депутатлари Тошкент шаҳар туман Кенгашларининг бўшаб қолган ўринларига бўлиб ўтадиган депутатлар сайловида иштирок этишларига ижозат берилди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси

ҚАРОРИ

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРГА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ САЙЛОВИДА ИШТИРОК ЭТИШГА РУХСАТ БЕРИШ ҲАҚИДА

"Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 21, 44-моддаларига мувофиқ Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгашларининг халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сайловида иштирок этиш ҳақидаги аризаларини кўриб чиқиб, шаҳар сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Тошкент шаҳри,
2018 йил 24 сентябрь

1. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сайловида иштирок этишларига ижозат берилсин.

2. Ушбу қарор "Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталарида эълон қилинсин.

Тошкент шаҳар сайлов комиссияси раиси
Х.Каримов



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Нукусда Президентимизнинг 2018 йил 11 сентябрдаги "Ҳудудларда тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини жадал амалга оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросига бағишланган бизнес-форум ва бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди. Бизнес-форум доирасида ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркасида 345 корхона-ташкilot ва муассаса 3 минг 150 дан ортиқ бўш иш ўрни билан қатнашди. Ярмарка давомида 320 га яқин фуқаро ишга жойлаштирилди.

• "Ўзтрансгаз" акциядорлик жамияти "Қарақалпақстангаз" филиалига қарашли газ тўлдириш станцияси ва газ тўлдириш пунктларининг кунлик газ тўлдириш қувватини ошириш учун бугунги кунда жами 20 замонавий электрон тарози – колонкалар сотиб олиниб, Нукус газ тўлдириш станцияси, Амударё, Бериш газ тўлдириш пунктларига ўрнатилди.

• Жанубий Кореянинг "Evergreen Motors Group" компанияси бошқаруви раиси Ким Чанг Кеонг бошчилигидаги ишбилармонлар, туризм, инвестиция, тиббиёт ва маданият соҳаси вакилларидан иборат делегация Фарғона вилоятида бўлди.

• Навоий вилояти Кармана тумани марказидаги "Янги авлод" истироҳат боғида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Тадбирда 92 корхона ва ташкilot 400 га яқин иш ўрни билан қатнашди. Ярмарка давомида иштирокчиларга турли корхона-ташкilot ва муассасалар, маҳалла фуқаролар йиғинида ҳақ тўланадиган жамоатчилик ишлари таклиф этилиб, 193 нафар кишига ишга йўланма берилди.

ЖАҲОНДА

• Экспертларнинг таъкидлашича, жорий йилнинг охирига қадар бир баррел нефтнинг нархи 100 долларга етиши мумкин. Бунга Венесуэладаги инқироз ва Эрonga нисбатан белгиланган санкциялар сабаб бўлади. Чунончи, сўнгги ўтказилган савдолар чоғида Brent русумли бир баррел нефтнинг нархи 2014 йил 21 ноябрдан буён илк бор 81 долларга етди.

• Кеча Англия пойтахти Лондон шаҳрида ФИФА томонидан 2018 йил якунлари сарҳисобига бағишланган тантанали маросим ўтказилди. Унда йилнинг энг яхши мураббий деб топилган Франция терма жамоаси устози Дидье Дешам ва йилнинг энг яхши футболчиси сифатида эътироф этилган "Реал" (Мадрид) ҳамда Хорватия терма жамоасининг ярим ҳимоячиси Лука Модричга махсус совринлар топширилди. Шунингдек, Бельгия терма жамоаси дарвозабони Тибор Куртуа йилнинг энг яхши дарвозабони деб топилди, жорий йилги жаҳоннинг рамзий терма жамоаси таркиби эълон қилинди.

• Португалия пойтахти Лиссабон шаҳрида TODAS фестивали доирасида жаҳоннинг кўплаб мамлакатларининг энг мазали миллий таомлари намойиши ташкил этилиб, тажрибали ошпазлар бир-бирлари билан миллий овқатлар тайёрлаш технологияларини ўзаро алмашишди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ ЎН ОЛТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси 2018 йил 27 сентябрь куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ҳиндистонга бўлажак давлат таширифи икки мамлакат ўртасидаги азалий дўстлик ришталарига асосланган муносабатларда янги даврни бошлаши кутилмоқда.

ЎзА мухбири ташир арасида Ҳиндистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Винод КУМАР билан икки томонлама ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва янги имкониятлари ҳақида суҳбатлашди.

— **Жаноб элчи, Ўзбекистон билан Ҳиндистоннинг тарихий-маданий алоқаларининг йилларга тенг. Унинг истиқболлари ҳақида қандай фикрдасиз?**

— Ўзбекистон билан Ҳиндистонни кўп асрлик тарихий, маданий-маънавий алоқалар бослаб туради. Минг йиллар давомида икки халқ маданияти бир-бирига уйғун тарзда шаклланган ва ривожланган. Айниқса, меъморлик анъаналари, адабий мерос ва халқ оғзаки ижодида уйғун жиҳатлар кўп. Алишер Навоий, Мирзо Ғолиб каби буюк алломаларимиз халқларимиз учун бирдай машҳур ва ардоқли.

2015 йилда Ҳиндистон Бош вазир Нарендра Модиининг Ўзбекистонга расмий таширифи мамлакатларимиз ҳаётида йирик воқеа сифатида тарихга муҳрланиб, унинг доирасида кўплаб ҳужжатлар қатори халқларимиз маданий алоқаларини янада ривожлантиришга қаратилган Маданий ҳамкорлик дастури ва туризм бўйича ҳамкорлик битими имзоланди.

Тошкент шаҳрида Лаъл Баҳодур Шахри номидagi Ҳиндистон маданият маркази фаолият юритмоқда. Ушбу марказ ҳинд тили, маданияти, урф-одатлари билан яқиндан танишиш истагида бўлганлар учун доимо очик. Бундан ташқари, марказ Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида ҳам халқларимиз маънавий алоқаларини янада ривожлантиришга қаратилган кўплаб маданий-маърифий тадбирлар ташкил этиб келмоқда. Ҳар ойнинг сўнгги жумасида марказ томонидан ўтказилadиган “ҳинди-манч” тадбири улардан бири. Ушбу тадбир марказга келувчиларнинг Ҳиндистон маданияти билан яқиндан танишиш,

ҳинд тилида мулоқот қилиши учун ўзига хос майдонга айланган.

Ўзбекистон билан Ҳиндистон маданий алоқаларида яхши бир анъана шаклланган. Мамлакатларимизда байрамлар, нуфузли фестивалларда икки халқ вакиллари фаол иштирок этиб келмоқда. Яқинда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Шахрисабз шаҳрида илк бор ўтказилган Халқаро мақом санъати анжуманида ҳам Ҳиндистонлик санъаткорлар қатнашиб, ўзбек мақом санъатининг сеҳри ва хуш оҳангларида

ган стратегик шериклик қишлоқ ҳўжалиги, пахта ва тўқимачилик саноати, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, ахборот технологиялари, фан-техника, космонавтика, муқобил энергия соҳалари бўйича ҳамкорликни кенгайтириш имконини беради.

— **Ўзбекистонда фармацевтика тармоғини ривожлантириш мақсадида махсус эркин иқтисодий зоналар ташкил этилди. Ушбу соҳада рўёбга чиқарилаётган лойиҳаларга ҳам тўхталсангиз?**

— Ҳиндистон Ўзбекистон билан соғлиқни

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҲИНДИСТОН ЯНГИ ДАВР ОСТОНАСИДА

бахраманд бўлиш баробарида, маҳаллий халқ урф-одатлари, ҳунармандлик намуналари билан яқиндан танишди. Шунингдек, ҳар йили юртингизда ўтказилаётган “Ҳиндистон — Марказий Осиё” мулоқоти давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш, турли соҳалар бўйича муносабатларни изчил йўлга қўйишга хизмат қилмоқда.

Ишонч билан айтиш мумкин, икки мамлакатнинг кўп асрлик дўстона ҳамкорликка асосланган юксак даражадаги сиёсий ва дипломатик алоқалари янада юқори босқичга кўтарилди.

— **Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг қайси йўналишларини устувор, деб ҳисоблайсиз?**

— Ҳиндистон Ўзбекистон билан икки томонлама ҳамкорликни барча соҳаларда ривожлантириш тарафдори. Савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш бўйича мамлакатларимиз фаол иш олиб бормоқда. Ўзаро ишонч ва дўстона муносабатларга асослан-

саклаш ва фармацевтика соҳаларида фаол ҳамкорлик қилмоқда. Шу йил февраль ойида Ҳиндистон кимё саноати ва ўғитлар давлат вазир Мансух Мандавия бошчилигидаги делегация мамлакатингизга таширифи доирасида Ўзбекистон ва Ҳиндистон ишбилармон доираларининг бизнес-анжумани бўлиб ўтди. Таширф доирасида томонлар фармацевтика бўйича ҳамкорликни яна кенгайтириш имкониятларини ўрганди. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда битта Ҳиндистон фармацевтика компанияси фаолият юритмоқда. Яна иккита шундай корхона барпо этиш режалаштирилган.

Айни вақтда Андижонда Ўзбекистон — Ҳиндистон эркин фармацевтик зонасини ташкил этиш бўйича икки томонлама иш олиб боришмоқда. Умид қиламизки, бошланган тадбирлар яқин орада ўз самарасини бериб, мамлакатингиз фармацевтика соҳаси ривожланишига ўз ҳиссасини қўша бошлайди.

Халқ дарди билан яшаш ва муаммоларини ўрганиш, улар билан ҳамнафас бўлиш қанчалик муҳим аҳамиятга эгаллигига бугун яхшироқ амин бўлмоқдамиз. Жумладан, мамлакатимизда “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, деган тамойилга барчанинг эътибори қучайди. Халқнинг ўз муаммоларини ҳал этишда давлат идоралари, давлатнинг ишонган соҳа вакиллари нисбатан ишончи ортди. Айни пайтда халқ билан мулоқотда ҳар бир раҳбарнинг, ҳар бир оддий инсоннинг ёки фуқаронинг маънан етуқлиги алоҳида аҳамият касб этади.

ХАЛҚ БИЛАН ҲАМНАФАС БЎЛИШ МУҲИМ

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 28 декабрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонининг қабул қилиниши инсон, унинг ҳаёти, шавъи, қадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддас саналиши каби эзгу ғоянинг мантикий давоми ҳисобланади.

Мазкур Фармон иқтисодиётимизда Халқ қабулхоналари ҳам халқ билан доимий мулоқот қилувчи масканга айланди. Бугун бу ерга дардига даво, ишига мадад истаб келатганлар сони талайгина. Уларнинг мурожаатлари шу ернинг ўзида ҳолисона ўрганилиб, қонун доирасида ҳал этилмоқда. Аҳоли мурожаатлари ўз вақтида қонуний ва самарали ҳал қилинмаса, улар йилгил-йилгил, ўткир иқтисодий-иқтисодий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

Шунингдек, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳририда қабул қилиниши ҳам фуқаролар ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқларини кенгайтирди.

Эътироф этиш керак, аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлар

ри ҳамда қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилишга қаратилган, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг сифат жиҳатидан янги ва самарали тизими фаолиятини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу Қонуннинг мақсади давлат органлари ва давлат муассасалари, шунингдек, уларнинг мансбдор шахсларига жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ушбу Қонуннинг амал қилиши давлат иштирокидаги ташкилотларга ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига нисбатан ҳам таъбиқ этилади.

Аввало, мурожаатларга қўйилadиган талаблар ҳақида гаплашсак. Жисмоний шахснинг мурожаатида жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак.

Юридик шахснинг мурожаатида юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган ери, манзили тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак.

Жисмоний ва юридик шахснинг мурожаатида давлат органининг, ташкилотнинг аниқ номи, мурожаат юборилаётган мансбдор шахснинг лавозими, фамилияси кўрсатилган,

шунингдек, мурожаатнинг моҳияти баён этилган бўлиши керак.

Мурожаатларда мурожаат етувчиларнинг электрон почта манзили, алоқа телефонлари ва факслари рақамлари кўрсатилиши мумкин.

Ёзма мурожаат етувчи жисмоний шахснинг имзоси ёки мурожаат етувчи юридик шахс ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши лозим. Жисмоний шахснинг ёзма мурожаатини мурожаат етувчининг имзоси билан тасдиқлаш имкони бўлмаган тақдирда, бу мурожаат уни ёзиб берган шахснинг имзоси билан тасдиқлиниб, унинг фамилияси ҳам қўшимча равишда ёзиб қўйилиши керак.

Мурожаат етувчиларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатларга уларнинг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

Ана шу ўтган вақт кўрсатдики, одамлар билан очик мулоқотда бўлиш, уларни қийнаётган муаммоларни ҳал этиш, юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ишловлар жараёнидаги фаол иштирокини қўллаб-қувватлаш фуқароларнинг давлат ва жамиятга бўлган ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Умида ДЖАЛИЛОВА, Сергели тумани ФХДё бўлими мудираси

КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР МАЙДОНИ

Мамлакатимизда қандай бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишида Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган кичик саноат зоналарининг (КСЗ) ҳам муносиб ўрни бор.

Давлат раҳбарининг 2017 йил 18 майдаги “Тошкент шаҳрида кичик саноат зоналарини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига асосан Мирзо Улуғбек, Олмасор, Миробод, Чилонзор, Бектемир, Яккасарой, Юнусобод ва Сергели туманларида кичик саноат зоналари ташкил этилди.

Уларда кичик бизнес вакиллари учун кенг имкониятлар яратилган. Буни Яккасарой туманининг собиқ тўқимачилик комбинати ҳудудида ташкил этилган “Яккасарой” кичик саноат зонасини бошқариш дирекцияси” давлат унитар корхонаси мисолида ҳам кузатиш мумкин.

— Кичик саноат зонаси — янги имкониятлар майдони, — дейди “Яккасарой кичик саноат зонасини бошқариш дирекцияси” давлат унитар корхонаси раҳбари Рустам Нуралиев. — Кичик саноат зонамида дастлаб 10 га яқин корхона фаолиятини бошлаган бўлса, бугунга келиб 305 тадбиркорлик субъекти озиқ-овқат, меъбеласозлик, металл қайта ишлаш, тўқимачилик, кимё саноати, қурилиш, машинасозлик каби тармоқларда маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда.

Р.Нуралиевнинг айтишича, 2014 йилда ҳудуддаги корхоналарда мингдан зиёд одам ишлаган. Айни пайтда

бу кўрсаткич 7 минг нафарга яқинлашган. Тадбиркорларга яратилган имтиёзлар самарасида ўтган йилда мазкур кичик саноат зонаси корхоналари томонидан 46 миллион доллардан ортиқ маҳсулотлар экспорт қилинган.

Тошкент шаҳридаги КСЗ орасида энг катта — 61,2 гектар майдонини эгаллаган мазкур саноат зонасида 46 бино ва иншоот, 5 артезиан қудуғи, 20 километр каналлаш тизими, тозалаш иншоотлари ва темир йўл линияси хизмат кўрсатади. Шунингдек, тадбиркорлар бепул юридик маслаҳат, давлат идоралари ваколатхонаси, нотариус, банк, тиббиёт, кутубхона, овқатланиш, спорт-соғломлаштириш ва савдо хизматларидан фойдаланади.

“Ideal Sweets Business” масъулияти чекланган жамияти қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланади.

Корхонада дастлаб 10 турдаги маҳсулот тайёрланган бўлса, саъй-ҳаракатлар натижасида бугун 20 турдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Янги турдаги қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилади. Шу бois корхона маҳсулот

— Ўзбекистон Президентининг Ҳиндистонга давлат таширифи мамлакатларимиз ҳамкорлигида қандай саҳифа очади?

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ҳиндистонга қўйлаётган давлат таширифи икки томонлама муносабатларни янги даражага кўтариб, тарихий воқеа бўлиб қолади.

Ишонамани, бу таширф мамлакатларимизнинг 2011 йилда асос солинган стратегик шериклигига янги мазмун бағишлаб, ўзаро ҳамкорлигимизда янги саҳифа очади.

Бош вазир Нарендра Модиининг 2015 йилда Ўзбекистонга таширифи мамлакатларимиз муносабатларига янги туртки берган эди. Икки давлат раҳбарлари 2017-2018 йилларда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида ҳам учрашиб, ўзаро ҳамкорликнинг истиқболли масалаларини муҳокама қилдилар. Жорий йилда Ҳиндистон ташқи ишлар вазир Сушма Свараж ва савдо-саноат ва фуқаро авиация вазир Суруш Прабхунинг мамлакатингизга амалга оширган таширфлари ҳам самарали бўлди.

— **Жорий йилдан Ҳиндистон ШХТда тўлақонли аъзо сифатида минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда ҳамкорлик қилмоқда. Мамлакатларимизнинг ташкилот доирасидаги муносабатлари ҳақида ҳам фикр билдирсангиз?**

— Ҳиндистоннинг ШХТга аъзо бўлишини қўллаб-қувватлагани учун Ўзбекистон раҳбариятига миннатдорлик билдирамиз. ШХТга қабул қилингандан сўнг мамлакатимиз ташкилотнинг барча аъзо давлатлари билан ҳамкорлик ишларини бошлади. Дехли шаҳрида ШХТ экспертлар йиғилиши ўтказилди. Халқлар фаровонлиги йўлида бошқа аъзо давлатлар билан ҳам ҳамкорликни кенгайтирмоқдамиз. Жумладан, терроризмга қарши курашиш, ўзаро алоқаларни ривожлантириш ва бошқа турли соҳалардаги масалаларни муҳокама қилмоқдамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини яқинда нишонланган мустақилликнинг 27 йиллик байрами билан табриқлайман. Ўзбек халқи ўз мамлакатини янада юқори даражага кўтаришига чин дилдан тилакдошман.

Малоҳат ХУСАНОВА
суҳбатлашди

МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁДАН ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Миллий матбуот марказида “Ўзбекистон фармацевтика тармоғининг ривожланишида чет эл инвестицияларининг ҳиссаси, “Nobel Pharmsanoat” томонидан амалга оширилаётган ишлар” мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Nobel Pharmsanoat” фармацевтика корхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда давлатимиз раҳбарининг жорий йил 14 февралдаги “Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида олиб борилаётган ишлар, маҳаллий хомашёдан дори-дармон маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва бу борада “Nobel Pharmsanoat” фармацевтика корхонаси томонидан қилинаётган ишлар ҳақида сўз юритилди.

“Nobel Pharmsanoat” фармацевтика корхонаси 2002 йилда “Ulkar Holding” компанияси иштирокида 100 фоиз чет эл капитали асосида ташкил этилган бўлиб йилгига 5,5 миллион қўти маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Айни пайтда халқаро GMP стандартига мос 60 ном ва 110 дозادا юқори сифатли дори-дармон маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда.

Тадбирда таъкидланишича, корхонада 355 киши меҳнат қилмоқда. “Nobel Ilac” компаниясининг “Nobel Pharmsanoat” корхонасига технология жараёнларни модернизация қилишга йўналтирилган инвестициялари доирасида замонавий ишлаб чиқариш ва лаборатория ускуналари келтирилгани яхши самара бермоқда.

Матбуот анжумани доирасида “Nobel Pharmsanoat” корхонасига журналистлар иштирокида медиа-тур ҳам ташкил этилди. ОАВ вакиллари корхонада ишлаб чиқариш жараёни, лаборатория, ходимлар учун яратилган шароитлар билан танишди. Корхона

бош директори Қўршат Женк Четин Nobel Pharmsanoat” ҳақида батафсил маълумот берди.

— Корхонамиз Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Ўсимлик моддалари кимёси институти билан маҳаллий шифобахш гиёҳлардан дори маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун фаол ҳамкорлик қилмоқда, — дейди Қўршат Женк Четин. — Ҳозирги кунда корхонамизда 100 фоиз маҳаллий хомашёдан 5 турдаги дори-дармон ишлаб чиқаришмоқда, шундан 3 турдагиси хорижга экспорт қилинади. Ишлаб чиқариш ва экспорт имкониятларини ошириш мақсадида янги ташкил этилган “Изнанишлар ва тадқиқотлар” (“Research & Development”) бўлими мутахассислари янги дори маҳсулотларини ишлаб чиқариш жорий қилиш устида изланишлар олиб бормоқда. Шунингдек, корхона ҳудудида дори хомашёси ишлаб чиқариш линияси барпо қилинди. Керакли замонавий технологиялар олиб келинди, тез орада бу ерда экспортга йўналтирилган дори-дармон хомашёси ишлаб чиқарилади.

Медиа-тур давомида корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган “Никотен-набс”, “Albezol”, “Tales”, “Urufol” каби дори воситалари ва уларнинг фойдали томонлари ҳақида маълумот берилди.

Бугунги кунда “Nobel Pharmsanoat” корхонасининг “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” муҳри остидаги маҳсулотлари Туркия, Қозоғистон, Афғонистон ва Грузия давлатларига экспорт қилинмоқда, шунингдек, Германия ва Молдовага экспорт қилиш учун музокара олиб боришмоқда.

Абдуалим САЛИМОВ

ларига нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам талаб катта.

— Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини экспорт фаолиятига жалб этиш юзасидан амалга оширилаётган кенг қўламли ишловлар биз — тадбиркорларнинг чет эл бозорларига чиқишимиз, хорижий ҳамкорлар топишимизда қўл келмоқда, — дейди мазкур корхона раҳбари Ботир Абилов. — Жорий йилда 15 минг долларлик маҳсулотни хорижга экспорт қилдик.

100 дан ортиқ турдаги кийим-кечак, хусусан, болалар кийимлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган “Furkan Textile” масъулияти чекланган жамиятининг маҳсулотлари асосан Россия ва Қозоғистонга экспорт қилинади. “Зироатбанк”дан олинган 68 минг 500 долларлик имтиёзли кредит ёвзига корхонага Туркиядан замонавий технологиялар олиб келинди. Натижада маҳсулот сифати яхшиланиб, ишлаб чиқариш ҳажми янада ошди.

— Корхонамиздаги қарийб 170 ишчининг элликка яқинини ёшлар ташкил этади, — дейди корхона ижрочи директори Олим Маматов. — Замон талаблари асосида таълим олиб, ўқишни амалиёт билан мустаҳкамлаётган ёшлар тайёр мутахассис бўлиб сафимизга қўшилмоқда. Уларнинг билами, қуч ва гайрати корхонамиз фаолиятига ижобий таъсир кўрсатаётди.

Кичик саноат зонаси тадбиркорлари замон талаби асосида фаолият юритмоқда. Пировардида, ишлаб чиқариш тури ва ҳажми ортиб, янги иш ўринлари яратилмоқда. Бу мамлакат иқтисодиёти юксалиши, аҳоли фаровонлиги-янада ошишига хизмат қилади.

Даврон СУННАТОВ,
ЎзА мухбири

ЎЗБЕКИСТОН – ТУРКИЯ: ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ АНИҚ САМАРАЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бинали Йилдирим икки мамлакатнинг олий вакиллик органлари ўртасидаги алоқалар фаол ривожланаётганини алоҳида таъкидлади. Бу каби амалий мулоқотлар мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва албатта парламентларо ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилишини қайд этди.

Туркия Республикаси Буюк миллат мажлиси раиси Бинали Йилдирим Мустақиллик майдонига таширф буюриб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

Туркия парламенти делегацияси шу куни икки томонлама ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари муҳокамаига бағишланган қатор музокараларда ҳам иштирок этди.

Туркиялик ҳамкорлар билан биргаликда савдо, саноат, инвестиция, транспорт соҳалари қатори туризм, соғлиқни сақлаш, таълим йўналишларида ҳам истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бу ўринда Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги (ТИКА)нинг мамлакатимиздаги фаолиятини қайд этиш ўринли.

Туркия парламенти делегациясининг таширифи доирасида ТИКА томонидан юртимиз аҳолисига сифатли тез тиббий ёрдам ва давлат хизматлари кўрсатиш мақсадида 50 та тез тиббий ёрдам машинаси ва 20 та мобил офис автобуси ажратилди.

“Ўзэкспомарказ”да ушбу транспорт воситаларини Соғлиқни сақлаш ва Адлия вазирликларига топшириш маросими бўлди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Н.Исmoilов, Туркия Республикаси Буюк миллат мажлиси раиси Бинали Йилдирим, мамлакатимиздаги тегишли вазирлик ва идоралар, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Замонавий реанимобиллар аҳолига шошилинч тиббий ёрдамни тез ва сифатли кўрсатишда муҳим ўрин тутди. Зарур моддий-техник базага эга, қуёш панеллари билан таъминланган 20 та мобил офис автобуси қатор давлат хизматларини бевосита жойларда, қолаверса, ФХДё ва нотариус хизматларини кўрсатиш имконини беради.

Улугбек ШОНАЗАРОВ,
Абдулазиз МУСАЕВ,
ЎзА мухбирлари

АДОЛАТ БУ ҚОНУН УСТУВОРЛИГИДИР

Ўзбекистон “Адолат” СДП томонидан “Адолат – қонун устуворлигида” лойиҳаси доирасида аҳоли билан юзма-юз мулоқотлар ўрнатилган кенг йўлга қўйилган.

Жорий йилда ҳам маҳаллий Кенгашларда фуқароларнинг мурожаатлари асосида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Шу қўнларда Ўзбекистон “Адолат” СДП Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан партиянинг Чилонзор туман Кенгаши билан ҳамкорликда тумандаги “1-Чарх Камолон” маҳалласи аҳолиси билан учрашув ўтказди. Унда мазкур маҳалла раиси Зубайда Ўйчиева ҳудудда олиб борилаётган ишлар, фуқароларни ўйлантираётган масалаларга қисқача тўхталиб ўтди.

— Маҳалламизда бугунги кунда 2670 нафар аҳоли истиқомат қилади, — дейди Чилонзор тумани “1-Чарх Камолон” МФЙ мутахассиси Осей Холтоева. — Албатта, фуқароларимиз билан ҳамжиҳатликда ишлашга, улар билан кўпроқ мулоқот уюштиришга ҳаракат қилмоқдамиз. Шу мақсадда партия вакилларининг ҳам маҳалламизга таширфларидан бениҳоя хурсандимиз. Ишчи гуруҳ аъзоларига 7-терак кўчасидаги ичимлик суви қувурлари бир неча йилдан буён яроқсиз ҳолатдалиги бoис, янгилашда ёрдам сўраб мурожаат қилдик. Уларнинг қўмаги билан ушбу муаммага ечим топила, аҳолига янада қулайлик яратилган бўлар эди.

Шундан сўнг, ишчи гуруҳ аъзолари уйма-уй юриб, фуқаролар билан мулоқотга киришди. Учрашувда партиянинг Тошкент шаҳар Кенгаши раиси ўринбосари Феруз Жўраев аҳоли ўртасида мазкур лойиҳа доирасида олиб борилаётган ишларнинг мақсади ҳақида гапириб ўтди. Бугунги кунда давлатимиз томонидан қабул қилинаётган қарор ва фармойишларнинг мазмун-моҳияти ҳамда сайловли дастуридаги белгиланган вазифаларнинг барчаси инсон манфаатларини таъминлашга қаратилганлигини таъкидлади. Суҳбат давомида фуқаролар 2-тор Хива, 3-тор Хива, Зухра полвон қўчаларининг йўллари таъмирталаб аҳволда эканлигини айтириш билдиришди. Олдин

Мамлакатимизда миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш, ўз ижоди билан бетакрор маҳсулотлар яратадиган, ушбу соҳада фаолият кўрсатаётган иқтидор соҳибларини муносиб рағбатлантиришга давлатимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса ўз навбатида миллий ҳунармандчилик билан шуғулланидиганлар учун кўплаб имкониятлар эшигини очаяпти. Асосийси эса бу хусусий бизнес, касаначилик ва онлайв тадбиркорликни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.



Ўзбекистон Республикаси "Хунарманд" уюшмаси ташаббуси билан 22-23 сентябрь кунлари пойтахтимиздаги Сайилгоҳ кўчасида ташкил этилган "Ўзбекистон совғалари" – Биринчи республика кўргазма-савдосини кузата туриб юртимизда уста ва хунармандларнинг эркин ва самарали фаолият кўрсатиши учун яратилаётган шарт-шароитлар кўламянада кенгайиб бораётганига амин бўлдик.

Республика "Хунарманд" уюшмаси томонидан Савдо-саноат палатаси, Маданият, Халқ таълими, Жисмоний тарбия ва спорт вазирликлари, Бадий академия, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда ташкил этилган кўргазмада 100 дан ортиқ хунармандлар ишлаган буюмларни нафақат томоша қилиш, балки харид қилиш ҳам имконияти яратилди.

Тадбирнинг очилиш маросимиде Тошкент шаҳар ҳокими вазифасини бажарувчи Ж.Ортиққўжаев, Савдо-саноат палатаси раиси А.Икрамов, "Хунарманд" уюшмаси раиси У.Абдуллаев сўзга чиқиб, иштирокчиларни илк мартаба ташкил этилган мазкур кўргазма билан самимий қутладди.

Юртимизга ташриф буюраётган сайёҳлар, меҳмонлар ҳар бир зиёрат қилган жойларидан эсдалик, ёдгорлик совғаларини харид қиладилар. Бугунги кунда бундай жойларда сотилаётган ёдгорликларнинг маълум қисми хориж-



БЕТАКРОР ҲУНАРМАНДЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ НАМОЙИШИ

дан келтирилган бўлиб, диёримиз тўғрисида ҳеч қандай таассурот ёки хотира маъносини англабмайди.

— Маҳаллий хунармандларимиз қўли билан ясалган, она Ватанимиз ифторини таратиб, юртимиз гўзаллиги, бетакрорлигини акс эттирадиган ёдгорлиқни тўхфа этиш – бир томондан туризмни ривожлантиришга омил бўлса, иккинчи томондан маҳаллий хунармандларимизни янада қўллаб-қувватлашга ҳисса қўлиши аниқ, — дейди Ўзбекистон Республикаси "Хунарманд" уюшмаси раиси Улуғбек Абдуллаев. — Ёдгорликларнинг уста-хунармандлар томонидан ишлаб чиқарилишини йўлга қўйиш ва оммалаштириш натижасида авваламбор юртимизга келган меҳмонлар ҳамда сайёҳларнинг эҳтиёжларини ўрганиш ҳамда "Уста-шоғирд" мактабларини ривожлантириш ва янги иш ўринларини яратиш имконини беради. Шу билан биргаликда "Ўзбекистон совғалари" кўргазма-савдоси хунармандчиликни янада ривожлантириш, ишлаб чиқарилган ёдгорлик турларини кенгайтириш ва уларнинг оммабоплигини аниқлаш, сифат ва дизайни устида иш олиб бориш, чет эллик меҳмонларнинг маҳсулотларга бўлган талаб ва эҳтиёжларини ўрганишдан иборатдир. Тадбир айниқса ёшлар ўртасида номдодий маданий меросимизнинг аҳамияти ва уни сақлаб қолиш хусусида тушунтириш ишларини олиб бориш, миллий ва халқаро даражадаги ёдгорликларни тарғиб қилиш, фикр ва тажриба алмашиш учун замин бўлади.

Маълумотларга кўра 2017 йил октябрь ойи ҳолатига Республикада 11,915 минг нафар фуқаро хунарманд сифатида рўйхатдан ўтган бўлса, яратилган бир қатор имтиёз ва қўлайликлар туфайли бугун уларнинг сони 25 минг 493 нафарни ташкил этади.

Кўргазмада шахримиз аҳолиси ва меҳмонларнинг гавжумлиги хунармандларнинг бежирим маҳсулотларига қизиқиш катта бўлганидан далолат берди. Сайилгоҳ кўчасига ташриф буюрганлар кўргазма-савдо доирасидаги совғабоп хунармандлик маҳсулотлари савдоси, маҳорат дарслари, дорбоз, қўйғочқобозлик томошалари, кураш мусобақала-



ри, ўзбек жанг санъати спортчилари, фольклор жамоаларининг чиқишлари, миллий либослар ва тақинчоқлар дефилеси, ўзбек миллий таомларини тайёрлаш жараёналарини кузатиш имконига эга бўлишди.

Тадбирда хунармандчиликнинг мисгарлик, кандакорлик сирларини яхши ўлаштиришга моҳир усталар иштирок этиб, ўзлари ясаган буюмларни намоийиш қилишди. Ана шундай хунармандлардан бири фарғоналик моҳир хунарманд Аъзамжон Дадажоновдир. У ясаган мисгарлик ва хунармандлик буюмлари шахримиз аҳолиси билан биргаликда хорижлик меҳмонларда ҳам катта қизиқиш уйғотди.

— Ўзбек халқининг ноёб хунармандчилик намуналари дунё эътирофига сазовор бўлмоқда, — дейди Аъзамжон Дадажонов. — Мисгарлик, кандакорлик аждодларимиздан мерос. Биз олтинчи авлодмиз. Қўпчиликда қизиқиш уйғотадиган ишларимизнинг ҳаммаси қўл меҳнатида тайёрланади. Биз асосан, рўзгор буюмлари, чойнак, самовар, пиёла, обдаста, қошиқ, чўмичлар ясаймиз. Маҳсулотимизнинг асосий харидори хорижлик сайёҳлар. Отам бошимизда оилавий ишлаймиз. 5 нафар шоғирдимиз мазкур хунарманд сир-асрорларини ўргатиб келмоқдамиз.

Кўргазма-савдода иштирокчилар хунармандлар томонидан маҳорат дарсларини кузатиш ва бевосита иштирок этиш имкониятига эга бўлишди. Тадбирларда қатнашиш истагини билдирган меҳмонлар ўз қўллари билан лойдан кўза ясаб, ипақдан мато тўқиб, дўппига нақш бериб қўриб, бешик ясаб жараёнларида бевосита иштирок этишди.

Кўргазма-савдонинг таънавали очилиши концерт дастурига улашиб, эл севган санъаткорлар томонидан куй-қўшиқлар ижро этилди.

Санъат, миллий анъана ва қадриятлар байрамига айланган кўргазма якунида турли номиниациялар бўйича ғолиб бўлган хунармандларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Зиёда РАСУЛОВА
Ислом Исмоилов олган суратлар

ИҚТИДОРЛИ ВА ИСТЕЪДОДЛИЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Ўқувчи-ёшларнинг келажақда касб-хунар танлаши, ўз истеъдод ва қобилиятини ривожлантириши, ижод қилиш ва иқтидорини ўстиришда мактабдан ташқари таълим муассасаларидаги тўғарақларнинг аҳамияти беқиёсдир.

"Баркамол авлод" Республика болалар ўлкашунослик ва экология марказида ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида ҳамда 2018-2019 ўқув йили бошланиши муносабати билан "Очиқ эшиклар куни" тадбири ўтказилди.

Ўзбекистон "Ветеран" жангчи-фахрий ва ногиронлар жамияти ҳузуридаги "Ватанпарвар фидойилар" ансамбли, Юнусобод тумани халқ таълими бўлими, Аҳмад Дониш ва "Муруват" маҳаллалари билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда барча йўналишлар бўйича ўқувчиларнинг ижодий ишлари кўргазмада, "Экоди-зайн", "Тўқиш", "Тасвирий санъат" ва "Либослар дизайни" тўғарақлари масъуллари томонидан маҳорат дарслари ўтказилди.

Ўқувчиларнинг бандлигини таъминлашга хизмат қилувчи тадбирни ўтказишдан мақсад уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, касб-хунарнинг бошланғич сирларини ўргатишга қаратилди. Унга Юнусобод туманидаги Аҳмад Дониш, "Янги ҳаёт", "Муруват", "Ўзбекистон Мустақиллиги" маҳаллаларида истиқомат қилувчи кам таъминланган оила фарзандлари ҳамда ички ишлар профилактика назоратида турган ўқувчилар ҳамда умумтаълим мактабларининг 200 нафардан ортиқ ўқувчилари жалб этилди. "Очиқ эшиклар куни" тадбирига келган ҳар бир ўқувчи тўғарақлар ҳақида маълумот берилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 февралдаги "Мактабдан ташқари таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида Республикада 211 та "Баркамол авлод" болалар марказлари қаторида Республика болалар ўлкашунослик ва экология маркази ҳам ташкил этилди, — дейди "Баркамол авлод" Республика болалар ўлкашунослик ва экология марказининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Хайриддин Бойиров. — Марказимиз вазирлик тасарруфида ташкил этилган мактабдан ташқари таълим муассасаси ҳисобланиб, ўлкашунослик ва сайёҳлик, табиатшунослик, экология ва саломатлик, узлуксиз таълим йўналишларида қўшимча таълим бериш жараёнини амалга ошириб келмоқда. Бугунги кунда марказда 23 номдаги 50 та тўғарақ фаолият юри-тиб, ҳозирги кунда жами 500 нафардан ортиқ ўқувчи-ёш ушбу тўғарақларга қатнамоқда. Бундан ташқари марказимиз директори Маъсумхон Ҳасимов томонидан янги ўқув йилидан бошлаб инновацион ғоялар ва технологиялар асосида замонавий янги тўғарақлар фаолиятини йўлга қўйиш белгиланди.

Ўзбекистон "Ветеран" жангчи-фахрий ва ногиронлар жамияти ҳузуридаги "Ватанпарвар фидойилар" ансамбли хонандлари Алишер Ҳасимов, Меҳрибон Сейтимбетова ҳамда Дилафрўз Ҳайитметоваларнинг чиқишлари тадбир қатнашчиларига кўтаринки кайфият бағишлади.

Зарина РУСТАМОВА

МАДАНИЙ РИШТАЛАР БАРДАВОМ

Ҳар куни биз Ҳиндистоннинг қайсидаир жиҳатини эслатувчи воситаларга дуч келамиз. Ҳеч бир киши йўқки, ҳиндча фильмларни кўрмаган, севмаган, улар оғушида яшамаган бўлса. Бозорларимизда ҳинд чойи, зираси, ширинликларидан тортиб кийим-кечакларигача учратамиз. Фармацевтика маҳсулотлари эса алоҳида бир мавзу.

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкин-ки, ўзбек ва ҳинд халқларининг алоқалари минг йилларга бориб тақалади. Маданиятимиз, урф-одатларимизда ҳам ўхшаш жиҳатлар кўп. Шарқ донишмандлиги анъаналари ҳар икки халқни четлаб ўтмаган. "Рамаяна" қадим ҳинд эпоси ўзбек ўқувчисига яхши таниш. "Махоббурат", "Рамаяна", "Мирзо Ғолиб", "Бобур", "Сангам" ва "Гул ва тош" сингари бадий фильмлар ўзбек тилида онгимизга синган.

Шу йил август ойида ўзбек адабиёти тарғиботига бағишлаб ўтказилган халқаро конференцияда ҳиндистонлик олимлар ҳам иштирок этди. Қўллаб маданий тадбирлар, фестиваллар икки мамлакат ижодкорларининг фикр алмашиши, тажриба оширишига хизмат қилмоқда. Бунга мисол қилиб ақинда Шахрисабзда ўтган Халқаро мақом санъати анжуманини айтиш мумкин.

Ҳиндистон билан таълим соҳасида ҳам изчил ҳамкорлик йўлга қўйилган. Тошкент давлат шарқшунослик институтида ҳар йили 100 га яқин талаба Ҳиндистон тарихи, иқтисодиёти ва ҳинд тили бўйича ўқишга қабул қилинади. Бу ерда Ҳиндистон тарихи, иқтисодиёти, ҳинд тили ўрганилади.

Яқинга қадар ҳинд кафедраси сифатида юритилиб келган, кейин-

чалик индонез ва малай тиллари қўшилиши натижасида ҳозир Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё тиллари номи билан аталаётган кафедрани 1947 йили ташкил топган. Шу даврда институтида юзлаб ҳиндшунослар мутахассислар етишиб чиққан. Тўрт йиллик ўқиш жараёнида ёшлар ҳинд тилини мукамал ўрганиб чиқди.

Айни пайтда бу ерда Махатма Ганди номидаги ҳиндшунослик маркази ҳам фаолият юритмоқда. Унда фаол иштирок этиб келаётган талабалар пойтахтимиздаги Ҳиндистон маданий маркази кўмағида нуфузли олий таълим муассасалари ва турли идораларда билим ва кўникмаларини орттириб, тажриба алмашади.

Ҳинд ва ўзбек тили қурилиши жиҳатдан бири-бирига яқин. Шунинг учун бу тиллар ўртасида самарали бадий таржимонлик шаклланиб боради.

Ҳиндистонда бобурийлар даври адабиётига бағишланган тадқиқот олиб бораётган, — дейди Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё тиллари кафедраси мудири, филология фанлари доктори Улфатхон Муҳибов. — Бобурийлар даврида адабиёт ва санъат юксак даражада ривожлангани учун ҳам ушбу даврни тарихчилар "олтин давр" деб аташади. Талабаларимиз орасида

ҳинд тили ва филологиясига қизиқадиган ва изланиш олиб бораётганлар кўп. Деҳлидаги Жамия Миллий исломия университетиде ўзбек тили ўқитилади. Ушбу университет билан ҳамкорлик ўрнатганмиз. Бизда ҳинд тили, маданиятига қизиқиш қанча кучли бўлса, ҳинд диёрида ўзбек тили, адабиётига эҳтиром баланд. Бу маданий ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамлайди.

Миллий адабиётимизнинг етук намоёниси Бобур ижоди ҳинд адабиётига ҳам таъсир ўтказган. Алишер Навоийнинг Шарқ мамлакатлари адабиётига таъсири қўллаб олимлар томонидан эътироф этилган. Бугун Ҳиндистоннинг қатор кутубоналарида ушбу буюк аждодларимизнинг китоблари сақланаётгани адабий ришталар мустаҳкамлигини далolat.

Бугун мамлакатларимиз барча йўналишлар қатори маданий-гуманитар муносабатларни янада кенгайтиришга интиломоқда. Таълим, тиббиёт, туризм каби соҳалардаги алоқалар фаоллашди. Бу борада мавжуд улкан салоҳият ва тарихий анъаналардан фойдаланиш халқларимизнинг ўз маданиятини янада бойитиши ва ҳамкорликни мустаҳкамлашда қўл келадди.

Дилораб МАМАТОВА

БУНДА ҲАР БИР ИЖОДКОР ИЗЗАТ ВА ЭҲТИРОМДА

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасида ташкил этилган маърифий кеча ўзбек ва тожик халқларининг азалий дўстлигини тараннум этиб келаётган шоир, таржимон, файласуф олим Жафъар Муҳаммад ижодига бағишланди.

Бадий кечада таниқли ижодкорлар ва санъат усталари, Республика тожик миллий маданий марказининг фаоллари иштирок этди.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси раиси Р.Қурбонов ва бошқалар Марказий Осиёда қадимдан бирга яшаб келаётган ўзбек ва тожик халқлари

ўртасидаги адабий, илмий-маданий ҳамкорлик азалдан мустаҳкам асосга эга эканини таъкидлади.

Ижодий кечада Жафъар Муҳаммад ижодидан намуналар ўқилиб, санъаткорлар томонидан ўзбек ва тожик куй-қўшиқлари ижро этилди.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ИЛМ-ФАН ИҚТИСОДИЁТГА НАФ БЕРАЯПТИМИ?

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасида Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Фанлар академиясининг илм-фаннинг иқтисодиёт реал секторини йўналтириш ва интеграциясини таъминлашнинг долзарб вазифалари юзасидан ахборотлари эшитилди.

Ўтган вақт мобайнида иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг мақсадли дастурларини жорий этиш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ва диверсификациялашга илмий изланишларни йўналтириш, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш бўйича муайян ишлар амалга оширилган. Илмий-тадқиқот институтлари, банклар ва инвесторлар учун биргаликда ишлашнинг ҳуқуқий асослари яратилган. Қонун ҳужжатларида интеллектуал мулк объектлари муаллифлари ва бизнес сектори вакиллари рағбатлантиришга қаратилган қатор енгилликлар ва солиқ имтиёзлари бериш назарда тутилган.

Қайд этилишича, инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни ҳаётга татбиқ қилиш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилган. Хусусан, 17 илмий-тадқиқот институтининг тижоратлаштириш мумкин бўлган ишланмалари намоийиш ташкил этилган. Тахлиллар 400 дан ортиқ илмий ишланмалардан 62 тасини ишлаб чиқаришга жорий этиш мумкинлигини кўрсатмоқда. Бу ишланмаларни саноатга жорий қилиш ва тижоратлаштириш учун камида 13 миллиард сўм, 16 миллион АҚШ доллари миқдоридаги инвестиция талаб қилинади.

Айни пайтда 43 ишланмани тижоратлаштириш бўйича амалий ишлар олиб бориломоқда. Тижоратлаштириш ишларини самарали бошлаш учун Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг энг илғор 10 илмий-тадқиқот институти 3 етакчи банкка бириктирилган. Умумий қиймати 80,3 миллиард сўм бўлган 16 ишланма банклар томонидан танлаб олинган. Бу лойиҳаларни амалга оширишда интеллектуал мулк шаклида илмий-тадқиқот институтлари 14,5 миллиард сўм, банклар эса 58,5 миллиард сўм инвестиция билан ҳамкорлик ўрнатган.

Лойиҳаларни тижоратлаштиришдан олинган йиллик даромад 123 миллиард сўм бўлиб, илмий-тадқиқот институтларига йилига 25 миллиард сўм соф даромад туширилиши режалаштирилган. Қатор истиқболли ишланмаларнинг бозори банклар билан ҳамкорликда ўрганиб чиқилиши йўлга қўйилган. Жумладан, 14 илмий тадқиқот муассасалари базасида яратилган бўлажак сармоядорлар учун илмий ишланмалардан энг истиқболли 33 таси аниқланган.

Худудларда инновацион фаолликни ошириш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига мос илмий ишланмалар яратишни йўлга қўйиш мақсадида давлат-хусусий шериклик шартлари асосида худудий Инновацион марказлар ташкил этиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилаяпти. Ҳозирда Қашқадарё, Навоий ва Сурхондарё вилоятларида шундай марказ қуриш ишлари бошлаб юборилган.

Тадбирда муҳокама этилган масалалар борасида ечимини қутаётган ҳуқуқий, ташкилий, молиявий, илмий-техникавий йўналишдаги долзарб вазифалар ҳам мавжудлиги алоҳида таъкидланди. Жумладан, депутатлар фикрича, "Инновацион фаолият тўғрисида"ги қонун лойиҳасини якунига етказиш зарур. Юқори малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар аттестацияси тизимини тубдан такомиллаштириш, илмий ишлар натижаларини аниқ мақсадларга йўналтириш, ишланмаларни тижоратлаштириш, илмий марказини тузишнинг ҳуқуқий асосларини қабул қилиш долзарб бўлиб қолмоқда.

Таъкидланганидек, худудларда инновацион фаолликни ошириш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига мос илмий ишланмалар яратишни йўлга қўйишда совуққонлик билан қараш ҳолатлари учрайди. Масалан, Фарғона, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрида марказ қурилиши учун инвесторларга ер ажратиш ва инновацион марказлар барпо этиш бўйича маҳаллий ҳокимликлар томонидан аниқ амалий чоралар қўрилмаган.

Йиғилишда мутасадди раҳбарларнинг ахборотлари атрофлича муҳокама этилди.

Нурилло НАСРИЕВ,
ЎЗА мухбири



Спорт янгиликлари

УЧРАШУВЛАР,
НАТИЖАЛАР, ОЧКОЛАР

Футбол бўйича Суперлига жамоалари ўртасида уюштирилган мамлакат XXVII миллий чемпионати иккинчи bosқичи доирасидаги 24-тур учрашувларида пойтахтимизнинг етакчи клублари — "Локомотив" ва "Пахтакор" муҳим очколарни қўлга киритишди.

"Пахтакор" маркази стадионида кечган "Пахтакор" ҳамда "Бухоро" жамоалари беллашуви қизиқарли, шиддатли курашлар остида ўтди. Яқунда пойтахтлик чарм тўп усталари И.Гонсалвеш (пенальти) ҳамда Ф.Сайфиев томонидан меҳмонлар дарвозасига киритилган голлар эвазига 2:1 ҳисобида зафар кучишди. Меҳмонлардан — Ш.Эркинов гол муаллифи бўлди.

Тошкентда ўтказилган "Локомотив" — "Бунёдкор" баҳси муҳлисларга ҳаяжонли онларни тақдим этди. "Тошкент дерби"си мақомини олган ўйинда амалдаги чемпион жамоанинг қўли баланд келди. Мурасасиз баҳс 2:1 ҳисобида тугади. Шу кунги муҳлис "Локомотив"дан — Т.Абдухаликов, Ҳ.Ғофуров, "Бунёдкор"дан — Ҳ.Ғиёсов томонидан дарвозаларга киритилган чиройли голларга гувоҳ бўлишди.

Турнинг қолган ўйинларида қуйидаги натижалар қайд этилди: "Нефчи" — "Насаф" — 3:1, "Қизилқум" — "Кўк-1912" — 1:0, "Навбахор" — "Металлург" — 0:0, АГМК — "Сўғдиёна" — 2:0.

Акбар Йўлдошев

ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА
ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси бош котиби Жасур Матчанов украинлик олим, фармацевтика фанлари доктори, профессор Владимир Кабачний билан учрашув ўтказди.

Унда спортчиларнинг жисмоний ҳолати, жароҳатлардан тикланиш жараёни, юктамаларни тўғри тақсимлаш, мусобақаларга жисмоний томонлама тўғри тайёргарлик кўриш каби масалалар муҳокама этилди. Энг муҳими, бир қатор йўналишлар бўйича украин мутахассиси билан ўзаро ҳамкорлик қилиш бўйича келишувга эришилди.

Учрашув якунида Жасур Матчанов меҳмонга

Миллий Олимпия қўмитаси номидан эсдалик совғасини тақдим этди. Таъкидлаш ўринлики, Владимир Иванович Кабачний 1955 йили Харьковда таваллуд топган. Фармацевтика фанлари доктори, профессор, Украина миллий фармацевтика университети физика ва коллоид кафедраси мудири, Украинада хизмат кўрсатган ихтирочи олим ҳисобланади.

БЕЛЛАШУВЛАРНИНГ БОШЛАНИШ
ВАҚТИ МАЪЛУМ

Ўзбекистон футбол ассоциацияси октябрь ойидаги ФИФА кунларидан максимал тарзда фойдаланиб, иккита терма жамоа билан Тошкентда ўртоқлик ўйини ўтказиш борасида келишувга эришгани ҳақида аввал хабар бериб ўтилганди.

Сурия ва Эрон терма жамоаси билан беллашган Эктор Купер бошчилигидаги терма жамоамиз энди 13 октябрь кунги соат 20:00 да Тошкентдаги "Миллий" стадионда КХДР терма жамоасига қарши ўртоқлик учрашувига майдонга тушади. 16 октябрда ўтказилиши мўлжалланган Ўзбекистон —

Қатар миллий терма жамоаси ўртасидаги баҳс ҳам соат 20:00 да "Миллий" стадионда ўтказилади.

ЎФА Осиё кубоги ҳамда 2022 йил Қатарда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатлари саралаш учрашувларида тайёргарлик доирасида навбатдаги ўртоқлик учрашувларини ташкил этиш учун

музокаралар олиб боришда давом этади.

Эслатиб ўтамиз, Осиё кубоги келаси йилнинг январь ойида Бирлашган Араб Амирикларида бўлиб ўтади. Ўзбекистон "F" гуруҳида Япония, Уммон ва Туркменистон терма жамоалари қарши баҳс олиб боради.

Ботир ХУЖАЕВ

ЁШ АВЛОД КАМОЛОТИ
ЙЎЛИДА

Пойтахтимизда Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши томонидан болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш ташкилотчиларининг Тошкент шаҳар анжумани ташкил этилди.

Жорий йилги мактаб ўқувчиларини ёзги дам олдириш ва соғломлаштириш мавсумини ушқоқлик билан ташкил этишда жонбозлик кўрсатган корхона, ташкилотлар ҳамда оромгоҳларда фаолият юритган энг фаол ва ташаббускор ходимларни рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган мазкур анжуманга мавсумда фаол қатнашган вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, маҳаллий ҳокимлик, таълим-тарбия, маънавият ва маърифат, маданият ва спорт тизимлари мутасаддилари, ўқитувчилар, мураббийлар, оромгоҳларнинг мутасаддилари тақлиф этилди.

Бугунги кунда жисмонан соғлом, ҳар томонлама баркамол, интеллектуал ривожланган, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга бўлган ёшларни тарбиялаш, улар ўрта-сида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида кенг қўлмали ишлар амалга оширилмоқда. Бу йўналишдаги ишлар нафақат таълим муассасалари, балки ёзги дам олдириш оромгоҳларида ҳам амалга оширилиши лозимлиги асосий вазифа этиб белгилаб қўйилди.

Ҳукуматимиз томонидан оромгоҳларнинг моддий-техник базасини яхшилашга, уларни замонавий дам олиш масканларига айлантиришга катта эътибор қаратилиб, оромгоҳлар йилдан йилга янгиланиб бормоқда.

— Ўз навбатида шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ҳам болаларнинг дам олиши ва соғлом-

лаштирилиши ишларини ўзининг устувор вазифаларидан бири деб ҳисоблаб, бу борадаги ишлар сифатини яхшилашга мунтазам эътибор қаратиб келмоқда, — дейди Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг маданият-маърифий ва спорт ишлари бўлими етакчи мутахассиси Дилмурод Рустамов. — Жорий йилда Тошкент шаҳри бўйича 27 та стационар оромгоҳларда ўттиз мингдан зиёд болалар соғломлаштирилишига муваффақ бўлинди. Ёзги мавсумда мактаблар қошида ташкил этилган 66 та кундузги оромгоҳларда 24 мингдан зиёд болалар дам олдилар.

Анжуманда ёзги соғломлаштириш мавсуми якунлари сарҳисоб қилинди. Шу билан бирга болаларнинг дам олишини тарбиявий нуқтаи назардан мазмунли ташкил қилинишида ўз ҳиссасини қўшган, долзарб ва масъулиятли вазифани амалга оширишда намуна кўрсатган болалар оромгоҳлари ходимлари, оромгоҳ фаолияти ташкилотчилари "Энг намунали стационар болалар оромгоҳи", "Энг намунали кундузги болалар оромгоҳи", "Энг яхши оромгоҳ бошлиғи", "Энг масъулиятли ташкилотчи", "Энг ғамхўр тарбиячи", "Энг фаол ички ишлар идоралари ходими" каби 13 номинация бўйича рағбатлантирилди.

Тадбирда қолибларга эсдалик совғалари ва дипломлар тантанали равишда топширилди.

(Ўз мухбиримиз)

Мутахассис маслаҳати

ЎСИМЛИКЛАР КУШАНДАСИДАН
ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалик маҳсулотларига зарар етказиши мумкин бўлган ўсимликлардан бири — зарпечак (Cuscuta SP.) ҳисобланади. Халқ тилида бу ўсимлик чирмовуқ деб ҳам юритилади.

Барча мамлакатларда тарқалган ушбу зараркунданнинг дунё бўйича 274 тури аниқланган. Юртимизда эса бу зарарли ўсимлиكنинг 17 тури учрайди. Шулардан 13 та тури ўсимликларга жуда катта зарар етказиши билан ажралиб туради. У ёпиқ уруғли ўсимликларнинг чирмовуқдошлар оиласига мансуб. Уруғи унвчанлигини тупроқда 8-10 йилгача сақлайди. Бу ўсимлиكنинг ўзига хос жиҳати шундаки, бошқа маданий ўсимликлар танасига ёпишган ҳолда паразит ҳаёт кечириши ва барча турдаги ўт ўсимликларига, дарактлар, бутаси-монлар, мева ва манзарали ўсимликларга зарар етказиши. Ушбу чирмовуқдан асосан далаalarda етиштирилаётган беда, каноп, пахта, лавлаги, сабзи ва бошқа кўпгина ўсимликлар зарарланади. Зарпечак билан зарарланган ўсимликлар нимжон ўсиб, бошқа турдаги вирусли касалликларга чидамсиз бўлиб қолади ва қуриydi.

Бу зарарли ўсимликка қарши курашишда агротехник ва механик чоралар самарали ҳисобланади. Қарши курашиш ишлари ўсимликлар ва майдонлар зарарланишига қараб олиб борилади. Кучли зарарланган ўсимликлар қилиб қесиб ташланади ва ёқиб ёки қўмиб ташлаш йўли билан йўқ қилинади. Зарпечакка қарши курашиш ишлари олиб бориладиган майдонлар доимий назорат остига олиниши ва бугундай йўқ бўлиб кетганига қадар ҳар 7-10 кунда назорат қилиниши лозим.

Шуни ҳам эслатиб ўтишимиз жоизки, мамлакатимиз учун карантин аҳамиятига эга бўлган бегона ўтларнинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олишда барчамиз ҳамжиҳатлик кўрсатсак мақсадга мувофиқ бўлади.

Бахтиёр МИРЖАЛИЛОВ,
Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини ҳудудий инспекцияси
"Тошкент АЭРО"
ЎКЧМ инспектори

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ҳисобидаги **В серияли, 974314 (ВН974314)** рақамли диплом бланкаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"Юнусобод тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Юнусобод тумани, Шуруб кўчаси, 4-уй учун Обидова Саёра Собировнага берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"Юнусобод тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Юнусобод тумани, Шахристон 3-тор кўчаси, 2-уй учун Абдувалиев Абдумалик номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"101"

ОГОҲЛИК ОСОЙИШТА
ҲАЁТИМИЗНИНГ
МУҲИМ ОМИЛИ

Ўзингизга маълум ёнгинлар асосан эҳтиётсизлик, носоз электр тармоқлари, иситиш ускуналари ва тизимларидан фойдаланиш, болалар катталар назоратидан четда қолиб, олов билан ўйнашлари оқибатида келиб чиқади.

Бу ҳодисаларнинг деярли ҳаммаси аҳоли турар жойларида содир бўлиши эса бепарволик, лоқайдликнинг бир кўриниши, десак адашмаган бўламиз. Ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари ёнгинларнинг олдини олиш борасида маҳаллалар, халқ таълими муассасалари, корхона ва ташкилотларда ўтказётган учрашувлар, кенг миқёсда олиб бораётган тушунтириш ишлари маълум даражада ўз натижасини бераётди. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, фуқароларга ёнгинларнинг олдини олиш борасидаги тушунтириш ишлари нафақат ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимларининг, балки шу жамиятда яшаётган ҳар бир замондошимизнинг бурчи эканлигини англай билиш мақсад сари қўйилган илк қадам деса бўлади.

Мурод ТУРСУНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти дивони
биносини ёнгиндан муҳофаза қилувчи ЎХБ кичик инспектори, кичик сержант

Болаларни қаровсиз қолдириш, газ ва электр асбобларидан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаслик ёнгинларни келтириб чиқариши барчага маълум.

"Тилсиз ёв" эса мол-мулк билан бирга инсон саломатлигига таъсир кўрсатмай қолмайди. Ачинарлиси қуйиш тан жароҳати олганларнинг асосий қисmini ўсимирлар ташкил этади. Улар билан суҳбатлашганимизда бунга билиб-билмай қилган ҳаракати ёки ота-оналар назоратидан четда қолиш, ўт ёқиш, чўғ билан ўйнаш, баъзан тез алағаланувчи моддаларга ўта қизиқувчанлиги сабаб бўлганлигини эшитамиз. Баъзида олов, газ, электр иситиш асбобларидан нотўғри фойдаланиш, эҳтиётсизлик ёнгинга сабаб бўляпти.

Шундай ҳолларга тушиб қолмаслик учун фуқароларимиз ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишлари керак. Ана шунда биз ёнгиннинг олдини олган бўламиз.

Музаффар Қўлдошев,
Мирзо Улугбек тумани ЎХБ инспектори, капитан

Афсуски пойтахтимизда турли сабабларга кўра ёнгинлар содир бўлмоқда. Уларда инсонлар тан жароҳати олгани ёки ҳалок бўлганини эшитиб, ачиниб кетади киши.

Айрим юртдошларимиз ёнгин хавфсизлиги қоидаларини яхши билсалар-да, негадир уларга амал қилишни ҳушламайдилар. Бунинг натижасида эса хонадонлар, катта майдонлар олов кўршовида қолади, инсонларнинг ҳалок бўлишига ёки бир умрга ногирон бўлишларига олиб келади. Бундай фожиали ҳолатлар ҳаётга энгил қараётган фуқаролар учун сабоқ бўлиши даркор.

Шуларнинг олдини олиш мақсадида биз ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари барчани ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилишга қақариб, огоҳликка чорлаб қоламиз.

Рафазль ДАВЛЯЕВ,
Қудрат АЗИЗОВ,
"Миллий" стадион ЎХБ инспекторлари

Содир бўлаётган ёнгинларни ва улардан қўриладиган зарарларни таҳлил этадиган бўлсак, аксарият ҳолларда бундай офатларга ўзимизнинг бефарқлигимиз, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслигимиз оқибатида юзага келаётганига амин бўламиз.

Кундалик турмушимизда турли кўнгилсизликларнинг олдини олишда огоҳлик муҳим аҳамият касб этади. Дейлик, ёнгин хавфсизлигини таъминлашни олайлик. Оддийгина кўнмаклар, кундалик ҳушёрлиқни ошириш ана шу офатнинг келиб чиқмаслигининг асосий омилдир.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ёнгин чиқмаслигининг асосий омил — огоҳлиқни қўқайтиришни керак. Огоҳлик осойишта ҳаётимизнинг муҳим омил эканлигини унутмаслик лозим.

Нурзод АЗИМОВ,
Чилонзор тумани ЎХБ инспектори, катта сержант

Эҳтиётсизлик ёки бошқа бирор сабаб билан келиб чиққан ёнгин оқибатида ўй ёки ишхона, у ерлардаги моддий бойликлар чин маънода ёниб, қулга айланиши ҳеч гапмас.

Энг ачинарлиси эса — ўт балоси сабабли инсонлар ҳаёти ҳам завол топиши мумкин. Ёнгинларнинг аксарияти фуқароларнинг яшаш жойларида юз бераётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Зеро, газли ёки электр иситиш асбобларидан нотўғри фойдаланиш, уларни ўз билганича тузатиш, қаровсиз қолдириш бефарқлик, умуман, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилмаслик ҳолатлари кўпгина аҳоли турар жойларида учрайди. Кишиларимиз аксарият ҳолларда шу каби арзимас туюлган хавфсизлик қоидаларини билишадими, аммо эътибор қилишмайди. Шу ўринда бир нарсани таъкидлашни истардик: уйда, ишхонада, жамоат жойларида ёнгин хавфини келтириб чиқариш мумкин бўлган вазиятларнинг олдини олишга ҳаракат қилайлик.

Ғафилдин АХМЕДОВ,
Шайхонтохур тумани ЎХБ катта инспектори, сержант



ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

кечаси — 13-15, кундузи — 28-30 даража иссиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 26 сентябрда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифрослашни даражаси паст бўлади.

Тошкент шаҳрида 26 сентябрь кунги ҳаво ўзгариб туради, ёнгинарчилик бўлмайди. Шарқдан гарба томон секундиза — 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат

Тошкент Оқшоми

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: (0-371) 233-28-95,
факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида теринди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 260сма табоқ, офсет усулида босилади.
4631 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашр учун масъул
О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00 Босишга топширилди: 14.40